



## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

и.ф.д., проф. **Беркинов Бозорбой**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
ORCID: 009-004-3374-2104  
[b.berkinov@tsue.uz](mailto:b.berkinov@tsue.uz)

**Аннотация.** Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилган институционал ҳамда иқтисодий ислоҳотлар жараёнида узоқ муддатли ижарага бериладиган ерларда фермер хўжаликлари ташкил этилади. Бу қишлоқда барқарорлик ва ривожланишни таъминловчи ҳақиқий мулкдорлар синфини шаклланишига асос яратди. Ҳозирги босқичда фермер хўжаликлари сони, ер майдони, иш билан бандлар таркиби оптималлашди, даромад самарадорлиги ошмоқда. Ушбу натижалар “Ўзбекистон–2030” стратегиясида қишлоқ хўжалиги ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича қўйилган устувор вазифаларни самарали ҳал этишга кенг имкониятлар беради.

**Калит сўзлар:** институционал ўзгаришлар, фермер хўжалиги, қайта таркиблаш, ривожланиш босқичлари, дон мустақиллиги, мулкдорлар ўрта синфи, кўп тармоқли фермер хўжалиги.

## ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ УЗБЕКИСТАНА И ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ

д.э.н., проф. **Беркинов Бозорбой**  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В процессе институциональных и экономических реформ, проводимых в Узбекистане, на долгосрочно арендованных землях создаются фермерские хозяйства. Это заложило основу для формирования реального класса собственников, что обеспечивает стабильность и развитие сельской местности. На данном этапе оптимизированы количество хозяйств, площади земли и состав рабочей силы, повышается эффективность их доходов. Эти результаты открывают широкие возможности для эффективного решения приоритетных задач, поставленных в Стратегии «Узбекистан-2030», по обеспечению устойчивого развития сельского хозяйства.

**Ключевые слова:** институциональные реформы, фермерские хозяйства, реструктуризация, этапы развития, зерновая независимость, средний класс собственников, многоотраслевые фермерские хозяйства и фермерского производства.

## INSTITUTIONAL REFORMS IN THE AGRICULTURE OF UZBEKISTAN AND THE STAGES OF DEVELOPMENT OF FARMER ENTERPRISES

*DSc, prof. Berkinov Bozorboy*  
*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** *During the institutional and economic reforms carried out in Uzbekistan, farms are being established on long-term leased lands. This has laid the foundation for the formation of a real class of owners, ensuring stability and development in rural areas. At this stage, the number of farms, land area, and labor force composition have been optimized, and their income efficiency has increased. These results open up opportunities for effectively addressing the priority objectives set out in the "Uzbekistan 2030" Strategy to ensure sustainable agricultural development.*

**Keywords:** *institutional reforms, farms, restructuring, stages of development, grain independence, middle class owners, diversified farms.*

### **Кириш.**

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, мамлакатда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг энг устувор йўналиши сифатида қаралган. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг ўзига хос моделига – катта-кичиклиги ва ихтисослашуви бўйича турли тоифадаги хўжаликлар киритилган. Бундай қайта таркибланишнинг ҳуқуқий асосини ерга бўлган давлат мулкчилиги ҳисобланган. Хўжаликларни таркибий ўзгартириш ва уларни оптималлаштириш бўйича қарорлар янги фермер хўжаликлари ҳажмига таъсир кўрсатган.

Қишлоқ хўжалигини устувор ислоҳ қилишдан асосий мақсад – ўша пайтда мамлакат аҳолисининг 62% дан ортиғи қишлоқ жойларида яшаган ва ишчи кучининг 36% қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд бўлган. Мамлакат ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши 30% дан ортиқни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятда, айниқса, пахта толаси экспорти ҳажми ва унинг сифатини таъминлашда муҳим роль ўйнаган.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги самарадорлиги унинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳисобланади. Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, республика ҳукумати иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларидан бошлаб қишлоқ хўжалигида хусусий мулкчиликни шакллантириш, аграр муносабатларни, қишлоқ ишчиларининг ерга, мулкка ва уларнинг меҳнат натижаларига эгаллик туйғусини тиклашга қаратилган дастурни қабул қилиш зарур шартлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда (2024) Ўзбекистонда фермер хўжаликлари сони 91,7 мингта. Уларда 380,1 минг киши иш билан банд, фермерларга ажратилган ер майдони 5427,1 минг гектарни ташкил этади. Мамлакат ЯИМнинг 30 фоизидан кўпи қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади ва деҳқончилик маҳсулотларининг 55% дан ортиғи республикадаги фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олганда, тадқиқотнинг асосий мақсади – мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган институционал ислохотни фермер хўжаликлари шаклланиши ва ривожланиши босқичлари самарадорлигини баҳолаш ҳамда улар истиқболлини белгилаш ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган институционал ва иқтисодий ислохотларнинг кўп йиллик натижаларини қиёсий таҳлили ва илмий-амалий жиҳатдан умумлаштириш, улардан фойдаланиш бўйича берилган таклиф ва тавсиялар ушбу тадқиқотнинг илмий янгилиги бўлиб ҳисобланади.

### Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида, шунингдек, фермер хўжаликлари шаклланиши ва ривожланиши муаммолари кўплаб олимлар ҳамда мутахассислар томонидан ўрганилган. Умрзоқов (2008), Тошбоев (2001), Тошбоев ва Ғуломов (2001), Фармонов (2006), Чориев (2002), Хушматова ва Қодиров (2022) ва бошқаларни келтириш мумкин. Ушбу олимлар ишларида мамлакатимизда фермер хўжаликларини ташкил қилиш, улар фаолиятини юритиш, янги аграр муносабатларга ўтиш, қишлоқда хусусий мулкчиликни тиклаш, қонунчилик ҳужжатларини ривожлантириш каби масалалар ва муаммолари ўрганилган ва амалий тавсиялар берилган. Шуларга қарамасдан, ҳозирги кунда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни фаоллаштириш учун уларни ўтган босқичдаги натижалар билан таққослаган ҳолда фермерликни янада ривожлантиришга қаратиш лозим.

Стратегик нуқтаи назардан қаралганда, қишлоқ хўжалигида хусусий мулкчилик муносабатларини ва кўп укладли аграр иқтисодиётга ўтиш қишлоқ жойларида барқарор ривожланиш кафолати ҳисобланган ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Бундай устувор вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарурий қонун ҳужжатлари изчил яратилди. Булар "Ер тўғрисида"ги қонун (кейинчалик "Ер кодекси", 1998), "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат) тўғрисида"ги (1998), "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги (2004), "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги (2021) ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, шунингдек, ҳукумат қарорларидир.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларида қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш ва қишлоқ ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойларида янги аграр муносабатларни шакллантириш, деҳқонларда хусусий мулкчилик туйғусини тўлиқ тиклаш ва унинг манфаатларини қатъий ҳимоя қилиш каби мақсадларга эришиш тамойиллари ва шартлари ифодаланган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистонда фермерчилик ҳаракатининг ривожланишини мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик ва институционал нормалар, шунингдек, президент фармон ва қарорлари билан боғлиқ бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

Республикада 1993 йилда фермерчилик ҳаракатининг илғор хорижий тажрибаси, шунингдек, мустақилликдан кейин республикада тўпланган қишлоқ хўжалиги ислохотлари тажрибаси ҳисобга олинган "Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида"ги қонун биринчи марта қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан фермерчилик ҳаракатига кенг йўллар очилди.

Дастлаб, режали иқтисодиёт давридаги колхозлар ва совхозлар ижара хўжаликларига, сўнгра (1998 йилдан) мулк улушига асосланган ширкат (кооператив) хўжаликларига айлантириб, ширкат аъзоларига уларнинг даромадга қўшган ҳиссасига қараб улуш сифатида тақсимланган. Шундай қилиб, 2001 йилга келиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида 1,4 миллион киши 1866 та ширкат хўжаликлари - умумий мулк эгалари пайдо бўлди. Мулкчилик турлари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таркиби ҳам ўзгарди. Агар 1991 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 37% давлат секторига тўғри келган бўлса, 1994 йилда ишлаб чиқаришнинг деярли 95% нодавлат секторда ишлаб чиқарилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистонда фермер хўжаликлари – бу узоқ муддатли ижара шартномаси асосида олинган ер участкаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъектлардир. Фермер хўжаликлари захира ва қишлоқ хўжалиги ер участкаларида, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган жойларда, янги суғориладиган майдонларда, қайта ташкил қилинган фермер хўжаликлар

ерларида, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкаларида ташкил этилади.

1-жадвал.

**Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатининг ривожланиш бошқичлари ва улар кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси**

Йил	Фермер хўжаликлари, сони	Ер май дони, минг га	Фермер хўжалигида бандлар сони, минг киши	Битта хўжалик ҳисобига		Битта ишловчига ўртача ер майдони, га
				ер майдони, га	ишловчилар сони	
<b>Биринчи бошқич</b>						
1993	7630	70,6	29,0	9,25	3,8	2,43
1994	14236	193,1	58,4	13,56	4,1	3,30
1995	18085	264,6	94,0	14,63	5,2	2,81
1996	19307	294,7	102,3	15,26	5,3	2,88
1997	21416	413,3	134,4	19,29	6,3	3,08
<b>Иккинчи бошқич</b>						
1998	23048	446,5	163,1	19,37	7,1	2,74
1999	3109	665,7	176,5	21,41	5,7	3,77
2000	43759	889,6	294,9	20,32	6,7	3,02
2001	55445	1054,7	386,2	19,02	7,0	2,73
2002	72406	1367,7	505,9	18,88	7,0	2,70
2003	87552	2148,1	603,0	24,53	6,9	3,56
<b>Учинчи бошқич</b>						
2004	103921	2935,3	765,3	28,24	7,3	3,83
2005	125668	3775,3	954,2	30,04	7,6	3,50
2006	185492	4881,9	1396,8	26,31	7,5	3,49
2007	217095	5787,8	1621,4	26,66	7,5	3,57
2008	218645	5787,8	1710,2	26,47	7,8	3,38
2009	103081	5896,8	1521,6	57,20	14,8	3,88
2010	71030	5826,8	1338,9	82,03	18,8	4,35
2011	69184	5828,5	1305,1	84,24	18,9	4,46
2012	70761	5886,6	1305,1	83,19	18,4	4,51
2013	73449	5874,1	1349,9	80,00	18,4	4,35
2014	78856	5904,2	1382,8	74,87	17,5	4,27
2015	96081	6005,7	1183,7	61,18	12,3	5,07
<b>Тўртинчи бошқич</b>						
2016	132356	5878,9	1174,5	51,67	8,9	5,01
2017	146618	6839,8	559,6	46,70	3,8	12,22
2018	151099	6847,5	523,5	48,56	3,5	13,08
2019	92554	7338,7	422,9	59,03	4,6	17,35
2020	102992	5463,6	425,7	54,86	4,1	12,83
2021	107622	5650,5	402,8	50,26	3,7	14,03
2022	109512	5409,3	421,9	49,34	3,9	12,82
2023	90890	5352,4	386,2	58,90	4,2	13,86
2024	91752	5427,1	380,1	59,15	4,1	14,28

**Манба:** жадвал ЎзР Миллий статистика қўмитаси ва ЎзР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

"Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида"ги қонун қабул қилинган ўша йили (1993) республикада 763 фермер хўжалиги рўйхатга олинди. Улардан фойдаланиш учун 70,6 минг гектар ер ажратилди, 29 минг киши фермер хўжаликларига аъзо бўлган (1-жадвал).

Республикада фермерлар сони 1994 йилда 14,2 мингга етди ёки уларнинг сони 58,4 бирликга, ер майдони 2,7 баравар, аъзолар сони икки баравар кўпайди. 1995-1997-йиллар давомида мамлакатимизда ўртача 58,8 минг фермер хўжалиги фаолият кўрсатган ва уч йил ичида уларга 413,3 минг гектардан ортиқ ер ажратилган. 1997 йилда фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 1993 йилга нисбатан 4,6 бараварга ошган. Бундай нисбатан паст ўсиш суръати илгари ижара хўжаликларига айлантирилган колхозлар ва совхозлар асосида ширкат (кооператив) фермер хўжалиklarини ташкил этиш жараёнининг изчил амалга оширилиши билан боғлиқ эди.

Ўзбекистонда фермер хўжаликлари ривожланишининг янги иккинчи босқичи 1998 йилда, аввалги "Қишлоқ хўжалиги тўғрисида"ги қонундан тубдан фарқ қиладиган қонун қабул қилиниши билан бошланди. Янги қонунга кўра, фермер хўжалиги 10 йилдан 30 йилгача ижарага берилган ер участкасидан фойдаланиб, хусусий тадбиркорлик субъекти сифатида сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил фермер хўжалиги сифатида тан олинган аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига қаратилган.

Шу даврда республикада 23048 фермер хўжалиги фаолият кўрсатган ва уларнинг 446,5 минг гектар ер майдони мавжуд бўлган. Фермер хўжалиги аъзолари сони 163,1 минг кишига етган. 2001 йилга келиб фермерлар сони 55445 кишига етган, уларга бириктирилган 1054,7 минг гектар ер участкаси ва аъзолари сони мос равишда 386,2 минг кишини ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 январ 2002 йил 8- сонли "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (2002) қарори қабул қилингандан сўнг қишлоқ хўжалиги корхоналарини (ширкат хўжаликлари) фермер хўжаликларига босқичма-босқич айлантириш жараёнлари бошланди.


Ислохотларнинг ушбу босқичида фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилгани Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг фармон ва қарорларида ўз аксини топган (ПФ-3226, 2003; ПФ-4478, 2012). 2004 йилда "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Шу йилдан бошлаб республикада фермерлик ҳаракати ривожланишининг 3-босқичи бошланди. Ушбу қонуннинг янги таҳрири фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳуқуқий нормаларини кенгайтди. Хусусан, умумий 50 йиллик ижара муддати қолганида, унинг энг қисқа муддати 30 йилгача узайтирилди. Бундан ташқари, ерни мерос қилиб олиш ҳуқуқи, фермер хўжалиги фаолиятини текшириш шартлари ва бошқа институционал нормалар жорий этилди.

Фермерлар ҳаракати ривожланиши учинчи босқичининг қуйидаги хусусиятларини эътироф этиш лозим. Биринчидан, 2002 йилда Ширкат ер участкаларида фермер хўжалиklarини босқичма-босқич ташкил этиш жараёни якунланди. Иккинчидан, фермер хўжалиklarининг молиявий аҳволини янада ривожлантириш мақсадида уларнинг ер участкалари оптималлаштирилди. Учунчидан, Республика Президентининг 22 йил 2012 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерликни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши билан (ПФ-4478, 2012), қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнида фермер хўжалиklarини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланди. Фермер хўжалиklarининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантиришнинг Қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифалар ва чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

2004-2008 йилларда истиқболсиз ширкат (кооператив) хўжаликлари негизда қўшимча фермер хўжаликлари ташкил этилди. Натижада 2008 йилда республикадаги барча фермер хўжаликлари сони 103,9 (2004 й.) дан 218,6 минг бирликга кўпайди. Фермерлар сонининг кескин ўсиши ҳар бир фермер хўжалигига ўртача 26,5 гектар ерни, аъзолар сони 7,8 кишини ташкил этди.

Фермер хўжаликларининг кичик участкалари аҳолини иш билан таъминлаганига қарамай, сарфланган ресурсларнинг нисбий самарадорлигига эришиш ва даромад олиш имконияти чекланган эди. Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Президентининг 2008 йилдаги Фармонига мувофиқ фермер хўжаликларида ер участкаларини йириклаштириш мақсадида инвентаризация қилинди. Натижада 2009 йилда республикада 103081 та йириклаштирилган фермер хўжаликлари иш бошлади. Уларнинг сони 2008 йилга нисбатан деярли 115,6 минг бирлик камайди.

Шу билан бирга, "Ер участкалари ҳажми пахта ва ғалла етиштиришда 37 гектардан 93,7 гектарга, сабзавотчиликда 10 гектардан 24,7 гектарга, чорвачиликда 154 гектардан 164,5 гектарга ошди". 2010 йилда мамлакат Президентининг янги Фармонига биноан фермер хўжаликларининг ер участкаларини оптималлаштириш ишлари давом эттирилди. Натижада, 2010 йилда фермер хўжаликлари сони 71030 бирликни ташкил этди ёки 2009 йилга нисбатан 32,1 мингга камайди. 2015 йилда 2010 йилга нисбатан уларнинг сони 25051 бирликга ошди ва 96,1 минг бирликга етди (1-расм).




**1-расм. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари сонининг ўзгариш динамикаси**

**Манба:** расм ЎзР Миллий статистика қўмитаси ва ЎзР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида тузилди.

Республика иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида фермер хўжаликлари 2015-2024 йилларда ўз кўрсаткичлари ошириш ёки камайтириш тенденциясига эга бўлган. Умуман олганда, 2024 йилда 2015 йилга нисбатан фермер хўжаликлари сони 43 минг донага камайди. Агар 2015-2018 йилларда фермер хўжаликлари сони 55 минг бирликга ошган бўлса, 2019 йилда уларнинг сони 92,6 мингга бўлган. Шу билан бирга, 2020-2023 йилларда фермер хўжаликларининг кўпайиши кузатилди ва 2024 йилда эса уларнинг сони 91,9 мингга тенг бўлган.

Республикада фермерлик ҳаракати ривожланишининг бошиданоқ фермер хўжаликлари сонининг кўпайиши уларга ажратилган ер участкаларининг кўпайиши билан кузатилган. Агар ривожланишнинг биринчи босқичида (1993-1997) бундай фермер хўжаликлари ер майдони 5,6 барабар кўпайган бўлса, 1994-1998 йилларда.

(иккинчи босқичда) улар 4,8 баробар, 2004-2015 йилларда мос равишда 2 баробар ошган. 2015 йилда фермер хўжаликларига турли тоифадаги 6005,7 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалиги ерлари берилди (2-расм). Фермер хўжаликлари ривожланишининг ҳозирги 2-босқичида улар фаолият кўрсатаётган ер майдони олдинги босқичларга нисбатан бироз камайди. Шундай қилиб, 2016 йилдан 2024 йилгача уларнинг майдони 451,8 минг гектарга камайди ва 5427,1 минг гектарни ташкил этди.




**2-расм. Фермер хўжаликларига ажратилган ер майдони ўзгариш динамикаси, минг гектар**

*Манба:* расм ЎзР Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Агар ҳар бир фермер хўжалиги учун ер участкасининг ўртача ҳажмини таҳлил қилсак, 1-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, ушбу кўрсаткич 20,3 гектардан (2000) 61,18 гектарга (2015) ошган. Ҳар бир фермер хўжалигига энг катта ер участкаси 2011 йилда 84,2 гектарни ташкил этган. Кейинги йилларда бу кўрсаткич бўйича пасайиш тенденцияси кузатилди ва ҳар бир фермер хўжалигига тўғри келадиган энг кичик ер майдони 2017 йилда 46,7 гектарни ташкил этди.

Ўзбекистан фермер хўжаликларида ишлайдиганлар сони доимий ўзгариб бориш тенденцияси кузатилади. Юқоридаги 1-жадвал маълумотларига қараганда, фермер хўжаликларининг ер участкалари ҳажмининг ошиши билан улардаги ишчилар сони ҳам кўпайган. Шундай қилиб, 1993-1997 йилларда иш билан банд бўлганлар сони 4,6 баробар, 1998-2003 йилларда 3,7 баробар, 2004-2014 йилларда 1,8 баробар ошди. 2014 йилда фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони 1382,8 минг кишини ташкил этди, бу 2000 йилга нисбатан 4,7 баравар кўпдир (3-расм). Шу билан бирга, 2015 йилдан бошлаб фермер хўжаликлари билан боғлиқ вазият ишчиларнинг камайишига қараб ўзгарди. 2014-2023 йиллар давомида уларнинг сони 797,5 минг кишига ёки деярли 33 фоизга камайди.




### 3-расм. Фермер хўжаликлари аъзолари сонининг ўзгариш динамикаси, минг киши

*Манба:* расм ЎзР Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишланган.

Шу билан бирга, 1993 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда республикада фермер хўжаликлари ривожланишининг деярли барча босқичларида фермада бир ишчига тўғри келадиган ер юки 2,43 гектардан 5,07 гектаргача, яъни 2,1 гектарга кўпайган (1-жадвал). Шундай қилиб, фермерлик ҳаракатининг ҳозирги ривожланиши ер юкининг ўсишини барқарорлаштиришни намойиш этади, бу 2024 йилда 2016 йилга нисбатан кўрсаткич 2,8 баравар ошди ва ҳар бир ходим учун 14 гектарни ташкил этди. Буларнинг барчаси фермер хўжаликларида ҳар бир жойда ишлаб чиқариш концентрацияси даражаси ошганидан далолат беради. Бу фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Шу билан бирга, фермер хўжаликларини ер, техника, ишчи кучи ва бошқа ресурслар билан таъминлаш даражасининг ошиши уларнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятини, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги роли ва аҳамиятини оширишга олиб келди.

Мамлакатимиз ғалла мустақиллигини таъминлашда фермер хўжаликлари катта роль ўйнади. Улар 1996 йилда 166 минг тонна дон ишлаб чиқаришди. 2000 йилда бу кўрсаткич 586,9 минг тоннани ёки мамлакатда ишлаб чиқарилган доннинг деярли 22 фоизини ташкил этди. Фермер хўжаликлари 2005 йилда 3 миллион 550,5 минг тонна дон ишлаб чиқарган. 2010 йилда 6 миллион 327 минг тонна ва 2015 йилда 6 млн. 350 минг тонна дон тайёрланган (4-расм). Ушбу миқдорнинг 85% ёки 5345 минг тоннаси юқори навли буғдойдир. Агар 2000 йилда республика ғалла ҳосилида фермерларнинг улуши 22% ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 80% ни ташкил этди. Бу мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда муҳим натижа саналади.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш шароитида дон етиштириш қишлоқ хўжалигидаги асосий манбалардан бири бўлиб, фермер хўжаликлари 2018 йилда 5156 минг тонна дон ишлаб чиқарган. 2023 йилда умумий дон ишлаб чиқаришнинг 79,3 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган ва ушбу маҳсулотлар ҳажми 7024,6 минг тоннани ташкил этди. Шундай қилиб, бутун таҳлил қилинган даврда (2000-2024) республикада дон ишлаб чиқариш 12 бараварга кўпайди.




**4-расм. Фермер хўжаликларида дон ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш динамикаси, минг тонна**

*Манба:* расм ЎЗР Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари нафақат давлатимиз ғалла мустақиллигига эришиш, балки мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотларини таъминлашда ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Республикада 2024 йилда ишлаб чиқарилган картошканинг 28,5% дан ортиғи, сабзавотларнинг деярли 37%, полиз ва бошқа маҳсулотларнинг 56% дан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш ўсишининг бундай суръатлари нафақат экин майдонлари ва чорва моллари ҳажмининг кўпайиши, балки экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллар маҳсулдорлигининг ошиши ҳисобига ҳам юз бермоқда. Дарҳақиқат, 2004 йилга нисбатан 2024 йилда фермер хўжаликларида ғалла экинлари ҳосилдорлиги гектаридан 7,9 центнер (ёки 23,3%), картошка - 93,1 центнер (77,4%), сабзавот - 66 центнер (36%) ва қовун ҳосилдорлиги - 42,5 центнер (33,8%) га ошган (5-расм).




**5-расм. Фермер хўжаликларида экинлар ҳосилдорлигининг ўзгариш динамикаси, ц/га**

*Манба:* расм ЎЗР Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишга агротехник тадбирларни изчил (интенсив) амалга ошириш орқали эришилмоқда ва бунинг асосий омили фермерларнинг юқори молиявий манфаатидир. Ушбу ижобий ўсиш тенденциялари фермер хўжалиklarининг маҳсулдорлигини оширишга ҳам таъсир қилади.

Таҳлил қилинаётган даврда (1996 йилдан 2024 йилгача) фермер хўжалиklarида меҳнат унумдорлиги, агар маҳсулотлар бўйича (жорий нархларда) ҳисобланса, 166 баравар ошди. 2024 йилда қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир кишининг маҳсулот ишлаб чиқариши 2015 йилга нисбатан 2,4 баравар ошди ва 34,7 миллионни ташкил этди (6-расм).

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар натижасида иқтисодий муносабатларнинг мутлақо янги турлари шаклланди ва таркибий ўзгаришлар юз берди. Бу жараёнда фермер хўжалиklари асосий ижтимоий-иқтисодий кучга айланди.



### 6-расм. Фермер хўжаликида битта банд ишловчига маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичининг ўзгариш динамикаси, минг сўм.

*Манба:* расм ЎзР Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Фермерлик ҳаракати ривожланишининг барча босқичларида фермер хўжалиklarининг роли ортиб бормоқда. 1996 йилда бундай фермер хўжалиklarининг барча қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги улуши 3%, 2015 йилда мос равишда 15,5% ва 2023-2024-йилларда фермер хўжалиklarининг улуши мос равишда 30,2% ва 27,5%ни ташкил этди (7-расм). 2023 йилда фермер хўжалиklари умумий сонининг 87,8 мингтаси (ёки 96,6%) деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда хизмат кўрсатиш, 3,1 мингтаси (3,3%) балиқчилик ва аквакултурада, 47 таси (0,1%) ўрмон ва дарахт кесимида банд бўлган.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда қишлоқ фермерлик ҳаракати муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ўз зиммасига олган кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринли деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, бугунги кунда фермер хўжалиklари қишлоқ жойларда чинакам етакчи бўғин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди. Бу фикр замонавий деҳқон ўзини иқтисодий жиҳатдан барқарор, сиёсий жиҳатдан етук, ўз фаолиятига илғор техника ва технологияларни жорий этиб, нафақат хомашё ишлаб чиқариш, балки уларни қайта ишлаш, бозорларни тўлдириш, маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш, пировардида халқ фаровонлиги йўлида ғамхўрлик қилаётганидан далолат беради.



**7-расм. Қишлоқ хўжалигининг жами маҳсулоти таркибидаги фермер хўжаликларининг улуши, %**

**Манба:** расм ЎЗР Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида ишланган.

Шу билан бирга, ушбу ҳаракатлар нафақат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсишини, балки фермерларнинг даромадлари ўсишини ва уларнинг молиявий барқарор ривожланишини таъминламоқда.

Фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришга қодир бўлган ижтимоий-сиёсий кучга айланди. Энг муҳими, улар бугунги босқичда аҳоли турмуш даражасини ошириш, шунингдек, масъулиятни ўз зиммасига олиш қобилиятига эга.

**Хулоса ва таклифлар.**

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилган институционал ва иқтисодий ислохотлар орқали қуйидаги натижаларга эришилди:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг таркиби мамлакат аҳолиси, тармоқлари, шунингдек, халқаро қишлоқ хўжалиги бозорлари талабларига мувофиқ ўзгартирилди. Қишлоқ жойларида мулкдорлар, ташаббускор ва ишбилармон фермерларнинг ўрта синфи шаклланди ва фермер хўжаликлари мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий бўғинига айланди.

2. Фермерлик ҳаракати бошланганидан (1993) 2024 йилгача мамлакатда фермер хўжаликлари сони қарийб 12 баробар, уларга ажратилган ер участкалари эса 77 баробар кенгайди. Бу вақт ичида деҳқончилик билан шуғулланадиганлар сони 13,3 баравар кўпайди. Бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ер майдони 15,7 баробар, ишчилар сони эса 1,1 баробар ошди. Шундай қилиб, фермерлар стратегик аҳамиятга эга ғалла, пахта ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар эгасига айланди.

3. Давлат фермерларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ривожланишини рағбатлантириш учун молиявий-иқтисодий механизмларни жорий этди. Қишлоқ хўжалигида мутлақо янги аграр иқтисодий муносабатлар шаклланди. Пахта, ғалла ва

бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлашди, бу эса қишлоқ аҳолиси даромадларининг ўсишига ва фаровонлигининг ошишига олиб келди.

4. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари самарадорлигини ошириш, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма ташкилотларини кенгайтириш ишлаб чиқариш кооперацияси асосида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш учун кенг йўл очди. Бу барқарор молиявий-иқтисодий ривожланишнинг мустақкам манбаига эга бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини шакллантиришни кафолатламоқда.

### **Адабиётлар / Литература/References:**

Институциональные основы формирования многоукладной экономики. (2002). Т: Косалтинфом, сс. 168–169.

Каримов, И.А. (2009). Мировой финансовый кризис, пути и меры преодоления их в условиях Узбекистана. Ташкент: Узбекистан, с. 9.

Распоряжение Президента Республики Узбекистан. (2010). О мерах оптимизации площади земельных участков, находящихся в ведении фермерских хозяйств. №3512, 18.10.2010 г.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. (2002). “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор. 05.01.2002 йил, 8-сон. Хужжат кучини йўқотган 16.08.2024 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. (2003). “2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор. 30.10.2003 йил, 476-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. (2004). “2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор. 24.12.2004 йил, 607-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси. (1998). Ўзгаришлари билан. 30.04.1998 йил. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2003а). “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармон. 24.03.2003 йил, ПФ-3226-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2003б). “2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармон. 23.10.2003 йил, ПФ-3342-сон. Хужжат кучини йўқотган 30.04.2021 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2008). “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон. 20.10.2008 йил, ПФ-4041-сон. Хужжат кучини йўқотган 28.09.2020 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2012). “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон. 22.10.2012 йил, ПФ-4478-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. (2021). ЎРҚ-680-сон, 01.04.2021 й. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги Қонуни. (1998). 30.04.1998 йил, 600-1-сон. Хужжат кучини йўқотган 12.02.2025 й.: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. (2004). 26.08.2004 йил. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)